

**ОРОЛ БЎЙИ МИНТАҚАСИДА БОШ МИЯ ТУҒРУҚ ТРАВМАСИДАН
НОБУД БЎЛГАН ЧАҚАЛОҚЛАР ГИПОТАЛАМУСНИ
ПАТОМОРФОЛОГИЯСИ**

**Хайтметов Санжарбек Мақсудович., Аллаберганов Дилшод Шавкатович.
Каримов Расулбек Хасанович., Ражабова Мохинабону Ойбек қизи.**

Тошкент давлат тиббиёт институти.

Урганч давлат тиббиёт институти.

**Урганч давлат тиббиёт институти Даволаш факультети, 3-курс, 301Б гуруҳ
талабаси.**

Аннотация: Орол бўйи минтақасида бош мия туғруқ травмасидан нобуд бўлган чақалоқлар гипоталамусни патоморфологиясида асосий морфологик субстратлари бу ядроси хужайра ўрта соҳасида жойлашган либерин ва статинларни ажратувчи ядрога жойлашган Перивентрикуляр (лат. nucleus periventricularis) ва Дорсомедиал (лат. nucleus dorsomedialis) ядро хужайралари: Тиреолиберинергик нейронлар тиреолиберин ажратувчи майда хужайралар. Кортиколиберинергик нейронлар — кортиколиберин ажратувчи хужайралар дисфункцияси асосан бош мия травмасида қон томирларни рефлектор кенгайтиши оқибатида юзага келган веноз тўлақонлик гипоталамусда метаболик бузлишиларга олиб келиши ва перицеллюляр шишиларни юзага келиши билан намоён бўлганлиги аниқланади.

Калит сўзлар: гипоталамус, бош мия травмаси, чақалоқлар, перинатал ўлим.

Муаммонинг долзарблиги: Дунё аҳолисида перинатал даврдаги ўлим кўрсаткичлари орасида бош мия туғруқ травмалари (БМТТ) етакчи ўринлардан бирини эгаллайди. Дунё миқёсида ушбу кўрсаткичлар қуйидагича тақсимланади. АҚШда янги туғилган чақалоқлар орасида туғруқ жароҳатлари учраши ҳар 1000 тирик туғилганга 2.1–2.6 ҳолатни ташкил этиб, ўртача 0.2% да аниқланади. Европа давлатларида бу кўрсаткич 0.5–1.5% атрофида бўлиб, оғир асорати сифатида чақалоқни илк нафас олишида оғир асфиксия билан кечувчи патологияларида улуши жуда катта ҳисобланади.

Россия Федерациясида бу кўрсаткич перинатал ўлим сабаблари ичида туғруқ травмаларининг улуши 5.0–7.0% ни ташкил этиб, 1000 та тирик туғруққа ўртача 4,7-7,1 та ҳолатни ташкил этади. МДХ давлатлари бўйича бу кўрсаткичлар турлича бўлиб, умумий ҳисобда, 6.0–8.5%ни ташкил этиб, 1000 тирик туғруққа ўртача 7,5-8 тани ташкил этади.

Мамалакатимизда бу кўрсаткич перинатал ўлим структурасида туғруқ жароҳатлари 4.0–6.0% ни ташкил этиб, 1000 та тирик туғруққа ўртача 6-8 тани ташкил этади. Бироқ, Орол бўйи минтақасида (Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти) экологик дисбаланс сабабли бу кўрсаткич нисбатан юқори бўлиб, 8.1–10.2% гача етганлиги аниқланди. Бу муаммони долзарблиги билан бирга заруратини тақозо этади. Туғруқ травмасида гипоталамусдаги патоморфологик ўзгаришлар тўлиқ ўрганилмаганлиги, гипоталамо гипофизар дезинтеграцияда бирламчи шикастланиш ўчоқлари гипоталамусдаги ўзига хос жавоб реакциялари тўлиқ ўрганилмаган ва етарлича хориж адабиётларида ёритилмаганлиги учун перинатал ўлим структурасида бевосита гипоталамусга боғлиқлиги ҳақида аниқ клиник морфологик мезонлар ишлаб чиқарилма-ганлиги муаммони ўрганишни тақозо этади.

Натижа ва муҳокама: Орол бўйи минтақасида бош мия туғруқ травмасидан нобуд бўлган чақалоқлар гипоталамусни патоморфологиясида асосий морфологик субстратлари бу ядроси хужайра гуруҳларга бирлашиб, аниқ топографик ядроларни (масалан, супраоптик, паравентрикуляр) ҳосил қилади. Бу хужайралар нейросекреция (фаол моддаларни ишлаб чиқариш ва ажратиш) хусусиятига эга. Нейросекретор материал: Нейронларни махсус усуллар билан бўяганда (Гомори бўйича паральдегид-фуксин ёрдамида) уларнинг цитоплазмасида нейросекрет гранула ва доначалари аниқланади. Туғруқ даврида бош мия травмаларида айнан қуйидаги ядроларни эзилиши ёки плазматик бўкиши билан боғлиқ тўлақонлик сабабли дисфункционал ўзгаришлар юзага келиши билан характерланади. Ушбу ядроларнинг гистологик турлари: олдинги ядролар (супраоптик ва паравентрикуляр): Йирик холинергик нейронлардан иборат бўлиб, уларнинг аксонлари нейрогипофизга (гипофизнинг орқа бўлагига) йўналади. Улар вазопрессин (антидиуретик гормон) ва окситоцин ишлаб чиқаради. Ўрта ва орқа ядролар: Майда нейронлардан ташкил топган бўлиб, аденогипофиз (гипофизнинг олдинги бўлаги) фаолиятини бошқарувчи либеринлар (рағбатлантирувчи) ва статинлар (тормозловчи) гормонларини синтез қилади. Қон билан таъминланиши: гормонларнинг қонга тўғридан-тўғри ва тез ўтиши учун гипоталамус кучли қон томирлар тўри (портал тизим) билан ўралган. Функционал гистологияси: Гипоталамус асаб тизими билан гипофиз безини ўзаро боғловчи кўприк (гипоталамо-гипофизар тизим) вазифасини ўтайди. Гипоталамус хужайралари нерв импульсларини гормонал сигналларга айлантириб, тана ҳарорати, моддалар алмашинуви, уйқу, очлик ва ташналик каби гомеостаз жараёнларини бошқаради.

Хулосалар: Туғруқ травмасидан сўнг гипоталамус тўқимасида микроскопик даражада куйидаги морфологик босқичлар ва ўзгаришлар ривожланади: А. Ўткир даврдаги ўзгаришлар (Травма ва гипоксиядан сўнг илк кунлар):

1. Нейронларнинг дистрофияси ва некрози: Нейросекретор хужайралар шишади (гидропик дистрофия), уларнинг ядролари кичраяди (пикноз) ёки парчаланиб кетади (кариорексис). Хроматолиз (Ниссл моддасининг йўқолиши) кузатилади.

2. Перипеллюляр ва периваскуляр шиш: Нерв хужайралари ва қон томирлар атрофида суюқлик тўпланиб, тўқима сувли шиш ҳолатига келади.

3. Геморрагиялар ва диapedез қон қуйилишлари: Кичик капиллярлар ёрилади ёки уларнинг девори ўтказувчанлиги ортиб, ядролар ичига ва атрофига майда қон қуйилиш ўчоқлари (петехиялар) ҳосил бўлади

Фойдаланилган адабиётлар

1. Каримов Р. Х., Мусаев У. М., Рузметова Д. Т. Ятрогения на примерах из практики (По данным лет обзор) //International conference on multidisciplinary science. – 2023. – Т. 1. – №. 1. – С. 10-12.

2. Каримов Р. Х. и др. Ятрогения в неонатологии (по данным лет. Обзор) //International conference on multidisciplinary science. – 2023. – Т. 1. – №. 3. – С. 76-78.

3. Каримов Р. Х. и др. Врачебные ошибки в практике акушеров-гинекологов //past and future of medicine: international scientific and practical conference. – 2023. – Т. 2. – С. 114-117.

4. Юлдашев Б. С. и др. Хомила ва янги туғилган чақалоқлар мурдасининг суд тиббий экспертизаси (Текшируви) //Ўқув қўлланма: Т.:“О ‘ZKITOBSAVDONASHRIYOTI’ NMIU. – 2023. – Т. 96.

5. Ражапов А. А. и др. Туғруқ травмаларида чақалоқларнинг ўлим сабаблари //international scientific innovation research conference. – 2024. – Т. 1. – №. 9. – С. 20-22.

6. Ражапов А. А. Каримов Расулбек Хасанович, Ходжаева Дилфуза Камиловна, & Бекчанов Азизбек Жуманазарович.(2025) //БОШ МИЯ ТУҒРУҚ ЖАРАЁНЛАРИДА ЧАҚАЛОҚЛАР ЎЛИМИ. INTERNATIONAL CONFERENCE OF NATURAL AND SOCIAL-HUMANITARIAN SCIENCES. – Т. 1. – №. 9. – С. 25-27.

7. Исроилов А., Аллаберганов Д., Каримов Р. МУДДАТДАН ОЛДИН ЧАЛА ТУҒИЛГАН ЧАҚАЛОҚЛАР ГИПОФИЗИНИ ПАТОМОРФОЛОГИЯСИ //South Aral Region Medical Journal. – 2026. – Т. 2. – №. 3. – С. 48-54.

8. Аллаберганов Д., Сотимбоев М., Каримов Р. БОШ МИЯ ЁПИҚ

ЖАРОҲАТЛАРИДА ГИПОФИЗДА ЮЗАГА КЕЛАДИГАН МОРФОЛОГИК
ЎЗГАРИШЛАР //South Aral Region Medical Journal. – 2026. – Т. 2. – №. 1. – С.
137-144.